



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 21.01.2022 г. № 2

между Коракул Престиж МЧЖ и Коракул туман хокимлиги Ободонлаштириш бошкармаси на общую
сумму 78018200,00

Глава

110

Казначейский лицевой счёт

100022860062307065200110002

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4252500			
Январь	78 018 200,00			78 018 200,00
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	78 018 200,00			78 018 200,00

Всего 78018200,00 сум

Семьдесят восемь миллионов восемнадцать тысяч двести сум 00
тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 78018200,00 сум или 100,00%*** от общей суммы договора
подлежат предоплате в январ мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____ %, от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика

М.П.

(подпись)

Мўталов Норпўлот Ачилович
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Козоков Исомиддин Фахриддинович
Ф.И.О.

Принял работник казначейского
подразделения

(подпись)

Получил работник
заказчика

(подпись)

« _____ » _____ 20 _____ г.

« _____ » _____ 20 _____ г.

НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА № 2

2022 йил 21 январ

Қорақўл шахри

«Қорақўл пресстиж» МЧЖ, (кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб қўйилади) номидан ўзининг Низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Х. Султонов (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, бир томондан ва Қорақўл туман ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси (корхона, ташкилот, муассаса номи), (кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб қўйилади) номидан ўзининг Низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Раҳбар Н.Муталов (вазифаси, фамилияси, исми) тимсолида, иккинчи томондан мазкур шартномани қўйиладиган ҳақида тузилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га нефт маҳсулотларини автобеси ва дикел ёқилғиси бўйича 2022 йилга ажратилган лимитларга асосан, бошқа нефт маҳсулотлари турлари бўйича эса «Таъминотчи»нинг ресурс имкониятлари ва «Истеъмолчининг талабномасида кўрсатилган эҳтиёжларига асосан тузилган ва томонлар келишилган спецификацияга биноан етказиб беришни ўз зиммасига олади. Тузилган спецификация ва график шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

1.2. Тўловлар «Истеъмолчи»нинг 2022 йилги харажатлар сметасида ажратилган маблағлардан ошмаган ҳолда амалга оширилади.

1.3 Шартноманинг умумий суммаси 78 018 200 (етмиш саккиз миллион ўн саккиз минг икки юз) сўми ташкил қилади. Шартноманинг суммаси нефт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқариладиган нефт маҳсулотларининг нархлари, нефт маҳсулотини ташини билан боғлиқ темир йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Молия вазирлиги қарорига асосан ўзгартирилганда ёки нефт маҳсулотлари таъминоти корхоналарининг устама нархлари ўзгарганда ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда қайта кўриб чиқилади.

2. МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

2.1. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ажратилган лимитлар доирасида, «Истеъмолчи» таксимотида кўра ўз транспортида, марккалаштирилган тарзда, «Транзит» билан ёки ёқилғи қуйиш шаҳобчаларидан тарқатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибда (кераклисини ости қизиб қўйилсин) етказиб берилади.

2.2. Нефт маҳсулотларини ортиш (олиб чиқиб кетиш) томонлар келишган вақтда, ортиш жадвалига асосан амалга оширилади. Маҳсулотни ортиш вақти томонлар келишувида асосан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. «Истеъмолчи» нефт маҳсулотларини ўз тасарруфидаги транспорт воситаси билан олиб кетишда нефт маҳсулотларини ташиб кетишга қўйиладиган барча талабларга риоя қилишни ўз зиммасига олади.

2.4. «Таъминотчи» омборига маҳсулот қуйиш учун олиб келинган автомобил цистерналари 1510-84 давлат стандарти талабига жавоб бермаган тақдирда автоцистерналар маҳсулот қуйишга киритилмайди. Мазкур транспорт воситаларининг бўш бориб келиши учун қилинган харажатлар «Истеъмолчи» зиммасига тушади.

2.5. Нефт маҳсулотлари қуйилган автоцистерналар («Истеъмолчи»нинг автотранспортида олиб кетиш ҳоллари буздан мустасно) «Таъминотчи» ёки унинг бўлимлари томонидан амалдаги метёрий техник ҳужжатларга (1540-84 давлат стандарти) мос тарзда тамғаланади. Тамғалаш «Истеъмолчи»нинг талабига биноан амалга оширилади.

2.6. Нефт маҳсулотлари «Таъминотчи» транспорти билан ташилганда транспорт ҳужжатларида транспорт хизматиининг ҳақи ҳам кўрсатилади.

2.7. «Таъминотчи» маҳсулот йўқлиги сабабли маҳсулотни тўла бермаган тақдирда, берилмай қолган маҳсулот миқдорини (лимити) кейинги даврда етказиб бериш шарт

Агарда маҳсулоти етказиб берилмаганлиги «Истеъмолчининг зарар кўришига олиб келса, «Таъминотчи» қўрилган зарарни тўлайди.

3. ҲИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ ВА НАРХЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома ўзаро ҳисоб-китоблар учун асос ҳисобланади.

3.2. «Истеъмолчи» олаётган нефт маҳсулоти учун ҳар ой олдиндан тўлов:

- бензин ва газ (Метан ва пропан) учун 100 фоиз;

- метан газ ёқилғиси учун 100 фоиз миқдорида 2022 – йил 31 декабргача амалга оширилади.

3.3. «Истеъмолчи» томонидан тўловлар ҳар ойда, илова қилинган графикка асосан, харажатлар сметасида ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

3.4. «Таъминотчи» нефт маҳсулотларини «Истеъмолчи»га маҳсулотни юклаш пайтидаги улгуржи нархда сотади, бузда корхона устама нархи ва темир йул харажатлари ҳисобга олинади.

3.5. Нефт маҳсулотларининг нархи, темир йул харажатлари ва корхонанинг устама нархи ўзгарган тақдирда ушбу шартнома ва спецификацияга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

4. КАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефт маҳсулотларининг миқдори ва сифати бўйича «Истеъмочи» «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор (П-6) ва сифат (П-7) жиҳатидан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида Вўриқнома»га ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга асосан қабул қилиб олинади.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1. Етказиб бериладиган маҳсулот сифати ГОСТ 1510-85 давлат стандартлари ва техник шартларига мос бўлиши ҳамда бу маҳсулот ортиш ва қўзғатувчи ҳужжатларида қайд этилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 «Таъминотчи» нефт маҳсулотларини етказиб бериш муддатларини кечиктирганлиги ва ўз муддатида етказиб берилмаганлиги учун «Истеъмолчи»га мажбуриятлар бажарилмаган қисми устидан 0,5 фоиз миқдорда пеня тўлайди, лекин тўланадиган пенянинг умумий миқдори етказиб берилмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлаш, шартнома мажбуриятларини бузган томонни нефт маҳсулотларини кечиктириб ёки етказиб берилмаганлиги оқибатида юзага келган зарарни тўлашдан озод этмайди.

6.2. Амалиётдаги қонунчилик ва ҳўжалик шартномаси, стандартлар, техник шартлар, Сифат талаби, турлари ва ассортиментлари бўйича талабга тўғри келмаган нефт маҳсулотлари етказиб берилганда «Истеъмолчи» нефт маҳсулотларини қабул қилишдан бош тортиши, «Таъминотчи»дан талаб даражасида бўлмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундириши, агар маҳсулот қиймати тўланган бўлса, белгиланган тартибда тўланган маблағни қайтиб олиш ҳуқуқига эга. Талаб даражасида бўлмаган нефт маҳсулотлари етказиб берилганлиги учун жарима «Таъминотчи»дан акцептсиз тартибда ундирилади.

6.3. Шартномада белгиланган муддатда олинмаган ва нефт маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош торганлиги учун «Истеъмолчи» нинг ҳаражатлар сметасида мавжуд маблағлар ҳисобидан «Таъминотчи» га олинмаган маҳсулотнинг умумий қийматини 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди. Нефт маҳсулотлари тўлик олинмаган тақдирда «Таъминотчи», жарима ундиришдан ташқари, маҳсулот олинмаганлиги натижасида кўрган зарар қийматини тўлашни талаб қилишга ҳақли, бунида у мазкур маҳсулотнинг борлигига қанолат бериши лозим.

6.4. Етказиб берилган нефт маҳсулоти тўловини 60 кунлик кечиктириб юборганлиги учун «Истеъмолчи» ҳисобидан «Таъминотчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган Тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Ушбу шартномада бирон-бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга биноан қўлланилади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил 21 январдан 2022 – йил 31 – Декабрьгача амалда бўлади.

7.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

8. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1. 2014 – йил 1 – Январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Бюджет кодекси» нинг 122 – моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594 – сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Газначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва факат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган.

9. ФОРС – МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

9.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг иккала томон ўз мажбуриятларини ғайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар сабабли бажармаса ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайди.

10. ҚўШИМЧА ШАРТЛАР

10.1. Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа барча масалаларни тарафлар Фуқаролик Кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга амал қилган ҳолда тартибга келтирилади.

11. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ

11.1. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар амалдаги суд қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳўжалик судлари томонидан ҳал қилинади.

11.2. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай ўзгаришлар ва қўшимча ёзма равишда бўлиб, ҳар икки томон имзолангандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

11.3. Тарафлар ўртасида муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тўталган тақдирда тўхтатилади.

11.4. Ушбу шартнома 2022 йил 21 январдан 2022 – йил 31 – Декабрьгача кучда бўлади.

12. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари.

«Таъминотчи»

«Қорақўл пресстиж» МЧДЖ

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Қорақўл туман

Тел./факс _____

х/в: 20 208 000 904 447 691 001

Банк номи: Асака банк Қорақўл филиали

МФО: 00120

ОКОНХ: 71211

СТИР: 205959498

Рахбар _____

Х.Султонов.

(Ф.И.Ш)



(МФО)

«Истемолчи»

Қорақўл туман Ободонлаштириш бошқармаси

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: Қорақўл туман Эски Катъа МФЙ

Тел./факс 56 – 54 5 07

ш/х* 1000 228 600 623 070 65 200 110 002

Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 200 878 168

ОКОНХ 90 211

Ғазначилик бўлинимаси номи: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги

Ғазна х/в: 23 402 000 300 100 001 010

Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий банкнинг ХККМ
МФО: 00014

Ғазначилик бўлинимаси СТИРи: 201 122 919

Рахбар _____

Н. Муталов.

(лавозим)

(Ф.И.Ш)



М.Ў.

(имзо)

Нефть маҳсулоти тури	Лат. расми №	1 куб.м. учун нархи (сўмда)	Микдори (куб.м.)	1 чорак	январ	Феврал	март
Сиколган Метан газ		2600	30 007	78 018 200	78 018 200		

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: - Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: - Qorako'l Prestij MCHJ bilan Qorako'l tuman hokimligi Obodonlashtirish boshqarmasi o'rtasida neft mahsulotlari etkazib berish to'g'risidagi 2022 yil 21 yanvardagi 2-sonli shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchi tomonidan Yuridik xizmat ko'rsatish markaziga taqdim etilganligi haqidagi ma'lumot: Qorako'l tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022 yil 21 yanvar kuni ishlab chiqilgan va markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 2022 yil 21 yanvarda taqdim etilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Qorako'l tuman yuridik xizmat
ko'rsatish markazi Bosh yuriskonsulti
2022 yil 21 yanvar



U.Turdiyev